



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 27-iyul • Seshanba • 87 (31.207) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

«Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган ... гоят муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳоқимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳоқимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётганлиги устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир».

■ Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январдаги қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузасида «парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган... гоят муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳоқимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳоқимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётганлиги устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир», деб таъкидлади.

ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИ ФАОЛЛАШТИРИШДА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ

Парламент назорати қонунларни ижро этиш даражасини ва уларнинг самарадорлигини амалда аниқлашнинг, шунингдек, давлат ва жамиятни тараққий эттириш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларга ўз вақтида ўзгартишлар киритишнинг таъсирчан воситасидир.

Доимий парламент назоратини амалга ошириш ижро этувчи давлат органлари фаолиятининг самарадорлигига, қонунларни ижро этиш жараёнида

давлат механизми ишида уйғунлик ва мувофиқликка эришишга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишининг олдини олишга, амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этиш амалиётини таҳлил қилишга қаратилган. Айнан қонун ижодкорлиги ва қонунни қўллаш амалиётини чамбарчас боғлаб олиб бориш парламент назоратининг муҳим хусусиятларидан бирини ташкил этади.

→2

ЭЛЕКТОРАТНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛА

депутат иштирокида ҳал этилмоқда



ЎЗХДП: депутатлик гуруҳлари фаолиятини

■ Сиёсий партия аҳоли ўртасида ўз фаолиятини қанча жонлантурса, амалий ишларни қанча қўпайтурса, жамиятдаги таъсир кучи шунча ошади. Бу борада депутатлик гуруҳларининг фаоллиги катта аҳамиятга эга.

Халқ депутатлари Янгийўл туман Кенгашига ўтган сайловда 30 нафар киши депутатликка сайланди. Кенгашнинг биринчи ташкилий сессиясида партиялар депутатлик гуруҳлари тасдиқланди. Туман партия кенгаши раиси, депутат Нўмон Орипов партия гуруҳи раиси этиб сайланди. У билан депутатлар фаолияти тўғрисида суҳбатлашганимизда ўтган сайловда партияимиздан кўрсатилган номзодлардан 8 нафари депутатликка сайланганлигини айтди.

→2

Кўримли реклама керакми?

«Реклама тўғрисида»ги қонун ва унинг ижроси ҳақида

→2

Таиланд ҳукумати мамлакатнинг учта музофотида факултода ҳолат тартибини бекор қилди.

→3

Венгрия пойтахти Будапештда юнон-рум ва эркин кураш бўйича ўсмирлар ўртасида навбатдаги жаҳон биринчилиги давом этмоқда.

→4

Ўзбекистон иқтисодиёти жадал юксалиб, улкан муваффақиятларга эришмоқда. Зеро, юртингиз қисқа давр ичида дунё мамлакатлари орасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллай олди. Ўзбекистоннинг юксак сиёсий нуфузи ва иқтисодий салоҳияти халқаро миқёсда кенг эътироф этилган.

Тала ГОВИНДА, Осиё тараққиёт банкининг Бруней, Малайзия, Мянма, Непал, Сингапур ва Таиланд мамлакатлари бўйича ижрочи директори

ОБ-ҲАВО 27-28.07.2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	36°C	37°C
Самарқанд	37°C	38°C
Нукус	38°C	39°C
Қарши	39°C	40°C
Урганч	38°C	39°C
Навоий	37°C	38°C
Фарғона	36°C	37°C
Бухоро	37°C	38°C
Андижон	36°C	37°C
Наманган	36°C	37°C
Термиз	40°C	41°C
Жиззах	36°C	37°C
Сирдарё	36°C	37°C
Тошкент вил.	36°C	37°C
Лондон	31°C	32°C
Париж	32°C	33°C
Москва	36°C	37°C
Мадрид	37°C	38°C
Пекин	38°C	39°C
Гонгконг	40°C	39°C
Рим	35°C	34°C
Анқара	35°C	37°C
Токио	32°C	33°C
Стокгольм	31°C	32°C
Кейптаун	16°C	15°C
Қоҳира	29°C	30°C
Гавана	41°C	42°C
Вашингтон	32°C	33°C

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI

Хизматлар дивизиони

✓ МАМЛАКАТИМИЗДА 2010 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТНИНГ 8,0 ФОИЗГА, САНОАТ МАҲСУЛОТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИНИНГ 8,0 ФОИЗГА, ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИНИНГ 11,8 ФОИЗГА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ҲАЖМИНИНГ 6,9 ФОИЗГА, ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ҲАЖМИНИНГ 11,5 ФОИЗГА, ЧАКАНА ТОВАР АЙЛАНМАСИ ҲАЖМИНИНГ 10,3 ФОИЗГА, КЎРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАР ҲАЖМИНИНГ 10,9 ФОИЗГА ЎСИШИГА ЭРИШИЛДИ.

БЎЛҒУСИ ЧЕМПИОНЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛИДА

→4



2010 йил — Баркамол авлод йили

■ Ёшларимизда юксак интеллектуал салоҳиятни, мустақил фикрлаш қобилиятини, кенг дунёқарашни шакллантириш билан бирга уларни жисмонан чиниқтириш, оммавий спортни ривожлантириш ҳам юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, хусусан, олис ва чекка қишлоқларда замонавий спорт мажмуалари бунёд этилмоқда.



Фарғона:

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Истиқлол имкониятлари

■ Тўқсонинчи йилларнинг бошларида собиқ иттифоқ ҳудудида янги давлатлар пайдо бўла бошлаганида уларнинг ҳар бири ўз тараққиёт дастурини ишлаб чиққанди. Ушанда баъзи мамлакат раҳбарлари ҳатто ҳайратомуз лойиҳаларни эълон қилдилар. Уларнинг бирида 90 кунда мамлакат бутунлай янги жамият тузумини барпо этади, дейилганди.

Ўзбекистонда эса кейинчалик бутун дунё иқтисодчи ва сиёсатчилари тан олган беш тамойилга асосан ислохотларга киришилди. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилди. «Бош ислохотчи — давлат бўлиб қолади» каби тамойилларни ўшанда танқид қилувчилар бўлганди. Лекин ҳаёт, вақт ҳаммасига ойдинлик киритди. Ўзбекистон нақадар узққни кўзлаб ва самарали йўл танлагани ўз исботини

тоғди. Атрофимизда жар солиб эълон қилинган 90 кунлик, кейинчалик 6 ойлик, 2 йиллик дастур ва лойиҳалар кутилган натижа бермади. Мана энди ривожланишнинг «ўзбек модели» деган ибора жаҳон оммавий ахборот воситаларида такрор ва такрор тилга олинди, энг нуфузли халқаро анжуманларда эътироф этиладиган бўлди.

→3

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2010 ЙИЛ 27 ИЮЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1436,49	1 Миср фунти	281,72	1 СДР	2429,12	10 Жанубий Корея воени	13,44
1 Англия фунт стерлинги	2480,41	1 Канада доллари	1549,16	1 Туркия лираси	1059,07	10 Япония иенаси	183,20
1 БАА дирҳами	437,29	1 Хитой юани	236,86	1 Швейцария франки	1524,02	1 Россия рубли	52,84
1 АҚШ доллари	1605,55	1 Малайзия рингити	502,91	1 Евро	2091,71	1 Украина гривнаси	203,31

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъжур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмагаи.

ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИ ФАОЛЛАШТИРИШДА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг Миллий матбуот марказида 23 июль куни ўтказилган «Парламент назорати самарадорлигини ошириш: ҳозирги аҳоли ва истиқболлар» мавзусидаги конференцияда мамлакат парламенти юқори палатасининг назорат функцияларини тубдан яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

Конференцияда назорат функцияси Сенатнинг муҳим функцияларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг парламент назорати тизимида алоҳида ўринга эгаллиги ва унинг вакиллик функциясини рўйб-га чиқариш билан бевосита боғлиқлиги кўрсатиб ўтилди.

Олий Мажлис Сенати томонидан амалга оширилаётган парламент назоратининг қонунчилик асосини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг нормалари ташкил этади.

Сенатнинг назорат функцияси унинг қўмиталарининг йиллик назорат фаолияти режаларига мувофиқ қонунларнинг у ёки бу вилоятда, вазирликлар ва идоралар ёки бошқа институциявий тузилмалар томонидан ижро этилишини, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари ишини ўрганиш, Сенат аъзо-

ларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари мажлисларида иштирок этиши, сенаторларнинг сайловчилар билан учрашувлари ва қабул қилинган қонунларнинг моҳиятини тушунириб беришлари, фуқароларнинг хат ва аризаларини кўриб чиқиш, муайян минтақа аҳолисини ўйлантираётган муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этишга қаратилган тақлифларни ўрганиш жараёнида амалга оширилади.

Муҳокама асосида конференция қатнашчилари Сенат мамлакат парламентидаги ҳудудий вакиллик органи сифатида ижтимоий эҳти-ёжларни аниқлаб, давлат қарорлари ва бошқа қарорларни қабул қилишнинг умумий жараёнига реал таъсир кўрсатаётганини алоҳида таъкидладилар. Унда жамоат манфаатларининг жамланishi ва ошқо-ра баён этилиши парламенти ҳокимиятлар билан турли давлат органлари ўртасидаги зиддиятлар бартараф этилаётгани оммавий майдонга айлантирилди, Сенат ваколатлари доирасида манфаатлар мувоzanатини қонунан таъмин-лашга имкон бермоқда.

Парламентнинг қонунчилик ва назорат функцияларини амалга ошириш борасидаги ваколатлари мустақам бирликти ташкил этади. Бунда, бир томонидан, қонун ижодкорлиги жараёни амалиётининг эҳтиёжларини қондириши, унинг материалларига асослани-ши, жамиятдаги ўзгаришларга сезгирлик билан муносабат билди-риши керак, иккинчи томонидан эса, ушбу эҳтиёжларни асо-сан у ёки бу қонун ҳужжатининг амалга оширилишини назорат қилиш йўли билан ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш чоғида аниқ-


лаш мумкин. Конференция қатнашчиларининг маърузалари ва чиқишларида Сенат қўмиталари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, улар доимий комиссияларининг парламент назоратини амалга ошириш ҳамда унинг самарадорлигини кучайти-риш борасидаги ташкилий-ҳуқуқий фаолиятини янада такомиллашти-риш масалалари юзасидан бир қатор тақлиф ва тавсиялар билди-рилди. Шунингдек, парламент на-зоратининг парламент сўрови каби шаклини амалиётга кенг жорий этиш ҳамда парламент назорати институтининг норматив-ҳуқуқий базасини кенгайтириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш зарурлиги ҳақида сўз юритилди. Парламент назоратининг барча минтақаларда ишларнинг реал аҳолини ўрганиш асосида қонунларнинг амалдаги ижросини янада яхшилашдаги роли таъкидланди.

Муҳокама якунлари бўйича те-гишли тавсиялар қабул қилинди.

Конференция ишида сенатор-лар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик пала-тасининг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузури-даги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг, Тош-кент давлат юридик институтининг ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дип-ломатия университетининг ҳуқуқшунос олимлари, ҳуқуқни му-ҳофаза қилувчи органлар, Ўзбе-кистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), «Ка-молот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда оммавий ахборот восита-ларининг вакиллари қатнашдилар.

(ЎЗА)

■ Ҳаёт турмуш тарзимида ўзгаришлар киритмоқда, миллий маданиятимиз, урф-одатимиз қадр топиб, янада яшармоқда. Биз бугун кечаги одамларга ўхшай-маймиз. Нимага десангиз, кундалик ҳаётга кириб келган ҳар қандай янгилик миллий тафаккурда ўзга-риш ясади. Шу маънода, мустақиллик йиллари миллий онг ривожиди бутун бир даврни ташкил этади. Бир мисол, бундан йигирма йил илгари рекла-ма ҳақида ҳозиргидек тушунча йўқ эди, бугун ҳар қадамда рекламанинг кучини сезасиз. Сотиладиган маҳсулот тарғиботидан тортиб миллийлигимизни намоён этувчи хилма-хил даъват ва хитоблар онги-мизга у ёки бу тарзда ўз таъсирини ўтказиб келади. Бу таъсир салбий ёки ижобий бўлиши мумкин. Ўз навбатида бу рекламанинг мазмун-моҳиятига боғлиқ.



КЎРИМЛИ РЕКЛАМА КЕРАКМИ?

«Реклама тўғрисида»ги қонун ва унинг ижроси ҳақида

Маълумки, 1998 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Бу қонун шу со-ҳадаги ишларни тартибга солишда муҳим омил бўлди. Қонуннинг бирин-чи моддасига кўра, «Рек-ламанинг давлат ва жамо-ат манфаатларига, ахлоқ ва маънавиятига умумий таъсирини нормаларига, юридик ва жисмоний шахсларнинг ишчанлик обрўсига, атроф-муҳит ҳолатига таъсирини назорат қилиш» талаб этилади.

Айтиш керакки, ўтган вақт ичида бу борада кўп ишлар қилинди. Юридик ва жисмоний шахсларни, ишлаб чиқарувчи ҳамда истеъмолчини истеъмолга яроқсиз маҳсулотлардан ҳимоялаш, истеъмолчини чалғитиш, ёлгон ёки но-аниқ маълумот тарқатиш каби ҳолларнинг олди олиниди. Яъни у реклама ва тарғиботчилик фаолияти-ни тартибга солиди.

Шу билан бирга, бу борада муайян камчиликлар ҳам йўқ эмас. Шаҳар ва туман марказларида осиб қўйилган пешлавҳаларда, экранлар, бино ва иншо-отлар, йўл чеккаларида, мавжуд эълон тахтачаларида турган рекламаларни, улардаги гиж-гиж ха-толарни, миллий мадания-тимизга мос келмайдиган расм ва тасвирларни та-фаққуришимизга зид, халқи-миз қабул қилмайдиган шакли шайиш ва тумоқ ибораларни кўриб, хижо-лат бўласан, киши. Имло-вий хатолар, айниқса, ло-тин ёзувидаги реклама-ларда қалашиб ётибди. Яна денг, тарғиб этилади-ган асосий манба бир чет-да қолиб, телефон рақам-лари катта-катта қилиб ёзиб қўйилган. Натижада истеъмолчи маҳсулот ҳа-қида тўлиқ маълумот ололмайдди. Реклама самар-асиз кетади. Айтиш ке-ракки, ёрқин миллий ре-клама кам учрайди.

Хўш, нега шундай? Дав-лат тилига, она тилига ҳурмат ва эҳтиром қаёқда қолди? Нега рекламага ҳаётдан жой бердиг-у, унинг такомилли эътибор-дан четда қолди? Бунинг биринчи сабаби шунки, аксарият рекламалар ре-клама агентликларининг од-дий бўёқчилари, рассом-лари ёки тегишли тасви-рий санъат маълумоти-га эга бўлмаган компютер-чи дизайнерлар томони-дан тайёрланмоқда ва осиб қўйилмоқда. Малака-ли мутахассис назаридан ўтмаган бундай рекла-ма ва эълонларнинг мақсад ва мазмунини англаб олиш қийин бўлади, ал-батта.

Реклама агентликлариди асосий фаолият юритувчи — дизайнер билан ҳисобчи. Шунинг учун тақдим этилаётган ре-кламанинг мазмун-моҳияти уларнинг билим ва савия-си даражасида. Бу эса, бизда ҳали реклама ма-данияти тўлиқ шакллани-магани кўрсатади. Айнан шу ҳолат она тилига беписанд муносабат юза-га келишига замин ярат-моқда.

Ҳаёт талаби шундай-ки, реклама соҳаси таҳлилининг амалиётдан эмас, балки миллий йўналишдаги назариясини ривож-лантириш ва реклама тўғрисида аҳолига асосий маълумотлар етказишдан бошлаш керак. Шу маънода, ижтимоий йўналишдаги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари-да реклама маданияти ҳақида алоҳида дастурлар киритиш лозим.

Нимага десангиз, турли ўқув муассасаларида мазкур соҳани эгаллаётган талабалар эртага шу йўналишда ишлайди ва тибийки, реклама билан бево-сита шугулланади.

маданий фаолият ре-кламаси», «Оммавий байрам-лар ташкилотчиси режис-сураси», «Маданиятшуно-слик», «Кутубхона ахборот технологияларни бош-қариш фаолияти ва ҳуж-жатшунослик» йўналиш-лари мавжуд. Назаримизда «Ижтимоий маданий фа-олияти рекламаси» йўнали-ши бўйича таълимин яна-да такомиллаштириш ло-зим. Бу соҳада малакали мутахассислар ёшларга энг замонавий тажриба-ларни етказиши, айниқса, реклама тили халқона, қўйма ва содда бўлиши, рекламада миллий руҳ ак-с этиб туриши лозимлиги ҳақида тушунча бериши зарур. Дейлик, ушбу ин-ститут магистрларига ўқув йили бошидан жамиятнинг ижтимоий йўналишида бир-рор янгиликни тарғиб қилиш, яъни унинг ре-кламаси лойиҳасини, да-стурини ишлаб чиқиш топши-рилса, ишининг янада са-маралироқ бўлиши таъ-минланади. Масалан,

— Маданият социологи-яси йўналишида: маълум бир мавзунинг социал таҳ-лили ва унинг рекламаси;
— Ижтимоий йўнали-шида: мавзунинг ижтимо-ий аҳамияти ва унинг ре-кламаси ва шунга ўхшаш мавзулар;
— Ижтимоий маданий фаолият рекламаси йўна-лишида: мавзунинг ре-клама ҳар томонлама ўр-ғанилигини умумийлашти-рилиб жамиятга тарғиб этилганлиги ва бошқалар.

Бизнингча, реклама йў-налишида таълим олаёт-ган талабаларни амалиёт тажрибасини ўташ учун фақат телевидение, радио ва даврий матбуотга эмас, балки турли ташкилотлар-га юбориш лозим, чунки ҳамма соҳага реклама ке-рак.
Мамлакатимизда ре-клама соноати тўлақонли шаклланиши ва олға бо-риши учун тарғиб этила-ётган янгиликни реклама берувчи ва, айниқса, ре-кламане тайёрловчи ҳар то-монлама чуқур ўрганиши, миллий маданият, маъна-вият ва менталитетдан ке-либ чиқиб иш кўриши го-янда муҳим. Шундангина миллий менталитетимизга номақбул реклама маҳсу-лотлари намойиш қилини-шининг олди олинади. Бу эса вақт билан боғлиқ бўлиб, ўз ишининг фидой-иси бўлган малакали кад-рлар тайёрлашни талаб қилади. Вақт эса кутиб турмайди. Шунинг учун рекламачилар бошқа соҳа ходимлари билан изчил ҳамкорлик қилиши лозим.
Рекламага фақат моддий томондан эмас, балки маъ-навий томондан ҳам қараш кераклиги бугун кундай равшан. Хатто товар ре-кламаси ҳам умуммаъна-вий тарғиботнинг бир бўла-гидир. Шунинг учун ҳар бир талаба — эртанги кун-нинг эгаси бўлмиш ёшлар реклама ҳақида етарлича тушунчага эга бўлмоғи ло-зим. Бунинг учун реклама тўғрисида ёзилаётган ил-мий ишлар ва мақолалар таҳлилини катта аудитори-яларда муҳокама қилиши йўлга қўйиш керак. Ҳозир бу борада баъзи илмий ишлар олиб борилаётган-лигига қарамай, ҳаёт, ай-ниқса, амалиёт билан бо-ғлашни етарли эмас.

Булар барчаси миллий реклама соноати ва мада-нияти оёққа туришига хиз-мат қилади. Халқимизнинг ҳеч кимга ўхшамаган мил-лий анъаналари ва урф-одатлари бор. Уларнинг ёнига ҳар томонлама му-камал миллий ре-клама-нинг келиб қўшилиши маънавиятни бойитиши, албатта.

Пешлавҳаларда, газета ва журналлар-да берилмаётган ре-клама аввало содда ва тушунарли, миллий маънавиятимиз доир-асида бўлиши, одамнинг ҳавасини келтириши даркор. Баъзан осиб қўйилган ёки телевиде-ниеда берилмаётган реклама чет эл ре-кламасидан кўр-кўрона кўчирилганлигини кўриб, ёки бўлмаса,

нима реклама қилина-ётганини англай олма-й қоласан, киши. «Рекла-ма тўғрисида»ги қонун-нинг ўнинчи моддасида рекламага доир муал-лифлик ҳуқуқи ва турдоғ ҳуқуқларни тартибга солиш белги-лаб қўйилган. Унга риоя этиш вазифасида. Қолаверса, бу соҳа ривож учун жон қуйдиришимиз керак.
Ҳаёт илгарилар бормоқ-да. Кишиларимиз, айниқ-са, ёшларнинг тафаккур ва тушунчаси тобора кенгай-моқда. Уларга реклама деб аталувчи оддий тар-ғибот унсурлари жуда кенг маъно ташишини, инсон руҳияти ва маънавияти-да из қолдиришини англа-тиб қолмай, тарғиботнинг бу ижтимоиятни маърифий-тарбиявий манбага айлан-тириши учун амалга оши-рилиши лозим бўлган иш-лар кўп. Бунда ҳамжиҳат-лик, айниқса, муҳим. Ни-мага десангиз, унда ав-вало она тилига муносабат акс этади. Қолаверса, хал-қимизнинг донишмандли-ги ифодланади.

Наргиза АҲМЕДОВА

Электоратни ўйлантираётган масала

депутат иштирокида ҳал этилмоқда

ЎзХДП: депутатлик гуруҳлари фаолиятидан

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Туманда депутатлар фа-олигини ошириш мақса-дида депутатлик гуруҳи ва ишчи комиссиялари тузи-либ, сайловчилар мувожа-атлари ва улардан тушган тақлиф ва аризалар атроф-лича ўрганиб, жойларда ҳал этилади. Шунингдек, айрим муҳим масалалар туман сессиясига олиб чи-қилади. Айни вақтда Тош-кент вилоят партия кенга-ши билан яқиндан ҳамкор-лик йўлга қўйилган. Ҳам-корлик кучларни бирлаш-тиришга омил бўлмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, сайловчи-ларнинг мувожаатла-ридаги ҳамма масала ҳам тўлиқ ўз ечимини топаётгани йўқ. Эски Қовунчи қишлоғи «Қирсадоқ» маҳалла-си аҳолиси Ўзбеки-стон — Хитой терини қайта ишлаш корхонаси экологик талаб-ларга тўла риоя этилмаётгани, бу эса атроф-муҳит ва аҳоли саоматлигига зиён етказиб қилган эди. Шу бўйича депутат-лик сўрови вилоят ва республика санита-рия-эпидемиология марказларига жўна-тилган эди. Афсуски, сўров ҳамон жавоб-сиз қолмоқда.

Яқинда Чирчиқ шаҳрида вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари учун ўтказилган семинар-тренингда депутатнинг мақоми, ваколати, ҳуқуқ ва бурчлари алоҳида



тўхталиб, маҳаллий Кен-гашлар фаолиятини яхши-лаш, қонунлар ижросини депутатлик назорати ости-га олиш ҳамда бу бора-да доимий комиссиялар масъулиятини ошириш за-рурлиги алоҳида таъкид-ланди.
Туман партия кенгаши ҳам йил бошида белгилаб олган иш режасини қайта

кўриб чиқиб, қўшимча ама-ли қора-тадбирлар бел-гиллади.

Шу ишлардан бири Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш кўламини кенгай-тиришга оид қўшимча-чора тадбирлар тўғриси-да»ги қарори ижросини назорат қилишдир. Туман-даги «Дўстлик» маҳалла-

сида 4,14 гектар майдон-да замонавий турар-жой бинолари қурилмоқда. Ушбу жараён, ҳусусан коммунал масалалар на-зоратга олинди. Кишлоқ фуқаролар йиғинларида ишчи комиссиялар фаоли-ят бошлади. Шу билан бирга, Халқобод, Шўрали-сой қишлоқлари ҳамда Бўзсув кўргониди тоза ичимлик суви таъминоти-ни мониторинг қилиш, аҳоли бандлигини таъмин-лаш мақсадида янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича ўз тақлифларимиз-ни тайёрлашга киришдик.
Депутат халқ ишонч билдирган вакил, у халқ хизматчиси. Демак, ҳар биримиз эл-улусга хизмат қилиб, ишончини оқлашга, юрт ободлигига ҳисса қўшишга астойдил интил-моғимиз зарур.

Аҳмаджон РИХСИБОЕВ, Халқ депутатлари Янгийўл туман Кенгаши депутати.



ФАРФОНА:

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)



ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Фарғона вилоятида 2010 йилнинг 6 ойида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 1790,6 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 102,0 фоизга ўсди.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми эса 329,6 млрд. сўмга етди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,5 фоизга ўсди. Узлаштирилган капитал кўйилмаларнинг ўсиш сурати 105,6 фоизга етди ва 401,5 млрд. сўмни ташкил қилди.

Вилоят қишлоқ ҳўжалигида олиб борилаётган ислохотлар натижасида маҳсулотлар ҳажми 677,1 млрд. сўмга етиб, ўтган йилга нисбатан 105,7 фоизга ўсди.

Ташқи савдо айланмаси 333,6 млн. АҚШ долларини, шундан маҳсулот экспорти 188,1 миллион, импорт эса 145,5 миллион, ташқи савдо айланмаси салдоси 42,6 млн. АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши «2010 йилда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»ни қабул қилган эди. Унга кўра 2010 йилда 91173 та янги иш ўринлари яратиш, бу билан иқтисодий фаол аҳолининг расмий секторда бандлигини ошириш назарда тутилган. Касаначилик ва оилавий бизнес ҳамда кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали иш ўринлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу йилнинг 6 ойи давомида режадаги 45197 та ўрнига 47669 та янги иш ўрни яратилди.

Вилоятдаги пойабзал sanoati корхоналари сафига Қирғизидagi «Сабопойабзал» корхонаси ҳам қўшилди. 1,1 млрд. сўм инвестиция жалб

қилиниши муносабати билан бу ерда 70 нафар киши иш ўрнига эга бўлди. Мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисобига 3400 дан зиёд иш ўрни очилди. Масалан, «Автойна» корхонаси маҳсулот турини кўпайтириш, сифатини яхшилаш лойиҳасига 9,7 млрд. сўм сарфлади. Натижада юксак малакали 77 та муҳандис-оператор ва бошқа мутахассисларга эҳтиёж туғилди.

Вилоятда турли сабабларга кўра фаолият кўрсатмаётган корхоналар ҳам бор эди. Ҳокимлик дастурига кўра булар бирин-кетин қайта ташкил этиляпти. Фарғона ип-газлама корхонаси ҳам «Туронбанк»ка инвестиция қилиниши шарт билан берилди. Ҳозир бу ерда Германия ва Швейцариядан келтирилган замонавий тўқимачилик жиҳозлари ўрнатилмоқда. Банк ажратган 18 млрд. сўм эвазига техника модернизация қилиниб, «Туронтекстиль» корхонаси барпо этилди. Энди бу ерда ҳам 77 та ишчи мутахассис ишлаб бошлайди.

Вилоятда 2010 йилда 323 та корхона ва ташкилотларда 7251 та касаначилик иш ўринлари яратиш режалаштирилган эди. 6 ой давомида 5356 аҳоли, уларнинг 1973 таси аёллар, уй меҳнати билан банд қилинди.

Тикувчилик, тўқувчилик, дурадгорлик, тунукасозлик, новвойлик, қулоччилик, чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби йўналишларда касаначилар сафи тобора кенгаймоқда.



СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНАДИ


Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг яқинда Тошкентда бўлиб ўтган анжуманида қабул қилинган ҳужжатлар ичида «Фарғона, Марғилон шаҳарлари ва унга яқин бўлган аҳоли яшаш пунктларида ичимлик суви таъминотини тубдан яхшилаш» лойиҳаси ҳам бор эди. Унга кўра Андижон вилоятининг Қўрғонтепа сув тақсимлаш иншоотидан 120 километр қуур тортиб, Фарғонага тоза ва сифатли ичимлик суви келтирилиши лозим. Лойиҳа амалга ошса, Андижон вилоятидаги бир неча юз минг аҳолининг сув таъминоти яхшиланади. Эки бир кеча-кундузда 104 минг м³ истеъмолга яроқли сув ишлаб чиқарилади ва аҳолига етказилади. Айни кунларда лойиҳа молиялаштирилди. Унга ШХТ 44,9 млн. АҚШ доллари миқдорига имтиёзли кредит ажратилди.

— Узунлиги 120 км. бўлган 1400, 1200, 1000 ва 800 сантиметр диаметрадаги сув қуурларини бу ерда



келтириш анча қimmatга тушар эди. Шунинг учун Хитойнинг CNCEC компанияси ҳамкорлигида қисқа муддатда Фарғона шиша тотали қуур ишлаб чиқариш заводи ишга туширилди, — дейди лойиҳани амалга ошириш гуруҳи раҳбари Икромхон Ирмонов.

— Бизга барча зарур шароитлар яратиб берилгани учун турли кесимдаги юқори босимга чидамли шиша тотали қуурлардан ҳозиргача 41,7 км. узунликда ишлаб чиқардик, — дейди Юнчан Секисуи фирмасининг Фарғонадаги заводи директори Ян Цзай Чао.



Тайёр бўлган қуурларни ётқизиш ишлари ҳам жадаллик билан давом этмоқда. Фарғона, Кува, Тошлоқ туманлари ҳудудида 16,7 км. қуурлар монтаж қилиб бўлинди.

— Бир қунда 300-350 м траншея қазипмиз, — дейди Тошлоқ-Қирғули участкаси экскаваторчилар бригадирлари Ахрор Нуриддинов.

Қазил ишлари Андижон вилоятида ҳам давом этмоқда. 75 км. сув йўли Жалақудуқ, Хўжабод, Булоқбоши ва Марҳамат туманларидан ўтади ва Кува орқали Фарғонага тугашлади.

— Лойиҳанинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, сув Қўрғонтепадан Фарғона сув тақсимлаш иншоотигага ўз оқими билан келади, — дейди Икромхон Ирмонов. — Фақат шундан кейингина насослар орқали Фарғона, Марғилон, Қувасой шаҳарлари, Тошлоқ, Фарғона туманларига узатилади.

Йилнинг биринчи ярмида 9 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилиши режалаштирилган. «Пакана», «Фарғона» сув тақсимлаш иншоотларида қурилиш ишлари якунланмоқда.

— Ҳар бир қуур лабораторияда махсус синовдан ўтгандан кейингина монтаж учун юборилади, — дейди қурилиш раҳбари Ли Хянь Фенг. — 0,6-1,6 атмосфера босимда 50 йил ишлашига кафолат берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Фарғонада ичимлик суви таъминотида бирон-бир жиддий узил-кўриш кузатилмаган. Амалга оширилаётган лойиҳа, биринчидан, тоза ичимлик суви таъминотида келгуси ўн йилларда муаммо бўлмастлигини кафолатлайди. Иккинчидан эса, ичимлик суви таркибининг юмшоқлик даражасини оширади.



МУНТАЗАМ АВТОБУС ҚАТНОВИ ТАЪМИНЛАНГАН

Газетамизнинг Фарғонадаги мухбирлик бўлимига ўзини Фани Холматов деб таништирган отахон кўнгирок қилиб қолди.

— Болам, мен бир гуруҳ риштонликлар номидан гапиряпман. Шу десанг, мамлакатимиз раҳбарига миннатдорчилик билдирмоқчиман. Аллоҳга шукр, юртимизда тинчлик, фаровонлик, тўқин-сочинлик. Ҳеч нарсадан камимиз йўқ. Биз фархрийлар иззат-икромдамиз.

Кейинги йилларда бошқа жойлардаги каби бизнинг Риштонда ҳам турли-туман одам ташийдиган кичик машиналар кўпайиб кетганди. Умрим йўлда ўтган. Автобус ҳайдаганман. Шунданми, билмадим, уша машиналарга чиксам, ҳайдовчидан бугун эрталаб машинангиз техник, ўзингиз тиббий қўриқдан ўтганмисиз, деб сўрайман. Ҳайдовчи йигитлар ҳайрон. Сабаби, бундай «киракаш» ҳайдовчилар уйдан чиқиб, уйига қайтади. Яқинда кўнглим ўрнига тушди. Риштонда ҳам кўзни қувонтирадиган янги «ИСУЗУ» автобуслари юрадиган бўлди.

Дарҳақиқат, энди кетидан тутуни бурқсаб чиқадиган, эски «Форд»лар ўрнига Фарғонадан Риштонга шинам ва юмшоқ «ИСУЗУ»лар қатнай бошлади. Бунинг сабаби — Фарғона вилоятига шу йилнинг ўзида Самарқандда ишлаб чиқарилган 100 га яқин автобуслар келтирилди.

— Аслида биз 2004 йилдан буён фаолият кўрсатамиз, — дейди «Фарғонаавтотрансхизмат» масъулияти чекланган жамият автокорхонаси директори Адҳамжон Камолов. — Лекин сўнгги икки йил ичида автобус парк бутунлай янгиланди. 170 та «ИСУЗУ» ва яна 50 та автобус аҳоли хизматида. Шу кунларда яна 40 та «ИСУЗУ» автобусларини кредит эвазига сотиб олдик.

Фарғонада ихтисослашган автокорхонанинг шаклланиши аҳолига катта қулайликлар яратди, 8 та шаҳарлараро йўналишига янги автобуслар қатнови йўлга қўйилди. Энди Ёзёвон, Кува, Риштон, Водил, Қўқон каби шаҳар ва туман марказлари, Арсиф, Усмонобод, Логон каби қишлоқлар аҳолисига қатъий жаҳвал асосида қулай, йўл ҳақи арзон, мунтазам қатнайдиغان авто-

буслар хизматда.

— Илгари микроавтобусда юрганамизда Ёзёвондан Фарғонага келишга минг сўм тўлардик. Кечки пайт эса ҳайдовчи яна нархини оширарди. Мана энди автобус қўйилгач, у белгиланган соат ва дақиқаларда йўлга тушади, йўл ҳақи икки баробар арзон, — дейди йўловчи Иноят Султонова.

«Фарғонаавтотрансхизмат» автокорхонаси паркиннинг кенгайиши шаҳар ички қатновига ҳам катта таъсир кўрсатди.

— Фарғона шаҳри учун 12 та ички йўналиш ишлаб чиқилди ва улارга ҳар куни юзта автобус бириктирилган, — дейди автосарой механиги Акбар Юлдошев. Эрталаб соат 05⁰⁰ дан то тунги 23⁰⁰ қадар барча йўналишлардаги автобус қатнови мунтазамлиги таъминланган.

— Мен ҳамшира бўлиб ишлайман, — дейди йўловчи Нигора Иноятиева. — Баъзан ишда кечроқ қолиб, кетаман. Ушундай пайтда уйга қайтиш муаммо бўлиб қоларди. Энди эса хотиржамман. Автобус ярим тунгача қатнапти.

Шундай қилиб, юртимизда ишлаб чиқарилган «ИСУЗУ» автобусларининг Фарғона вилоятига кўпалаб келтирилиши ҳар жиҳатдан самарали натижа берди.

— Илгари кичик йўловчи ташуви воситалари ҳайдовчилари йўл ҳақини банк муассасаларига топширмас эди. Автобуслар қатнай бошлагач, фақат Фарғона шаҳри ички йўналишидан қунига қарийб 25 млн. сўм нақд пул тушуми банк кассаларига топширилмоқда, — дейди гараж мудири Илҳом Баратов.

Автобуслар қатнови кенгайтирилиши натижасида вилоятнинг ҳар бир шаҳар, туман марказларидаги автошохбекатлар, ички қатнов бекатлари замонавий лойиҳа асосида реконструкция қилинмоқда.

— Халқимизда қозонда бўлса, чўмигача чиқади, деган нақл бор, — дейди Фани ота. — Юрт тинч, Юртбоши халқпарвар, мамлакатимиз қучқуввати ошиб бормоқда, шунинг учун бу каби улғувор ишлар қилиняпти-да! Илоҳим, юртимизни ёмон кўзлардан асрасин!

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



Хорижда Учта музофотда

Фавкулда ҳолат бекор қилинди

■ Таиланд ҳукумати мамлакатнинг учта музофотида фавкулда ҳолат тартибини бекор қилди, дея хабар беради «AFP» АА. Бу ҳудудларда муҳолифатнинг сиёсий тўқинлари энди қузатилмайд. Маҳаллий маъмурлар ўз ҳудудларини ўларни назорат қилиш қувватига эга.



Аммо муҳолифатдаги «Демократияни диктатурадан ҳимоя қилиш бирлашган fronti» («UDD») тарафдорларининг, яъни «қизил қўйлақлар»нинг 25 июлга белгиланган қўшимча парламент сайлови олдидан Бангкокда ҳам фавкулда ҳолатни бекор қилиш ҳақидаги мурожаати ҳукумат томонидан рад этилди.

Айни дамда Таиланднинг 16 та музофотида фавкулда ҳолат тартиби амалда. Унга кўра, кўчада 5 нафардан ортиқ одамнинг тўғланishi мумкин эмас. Хуқуқни муҳофаза қилиш органларига шубҳали шахсларни айблов эълон қилмасдан 30 кун давомида қамоқда сақлаш ҳуқуқи берилган.


Маълумки, 2009 йилнинг охирида бошланган муҳолиф қўқорининг сиёсий тўқини 2010 йил май ойига келиб, ўзининг қулминациясига етди, яъни бу сиёсий тўқин — «қизил қўйлақлар»нинг норозилик акцияси мамлакатнинг қўлгина ҳудудларини қамраб олди. Натижада Апхисит Ветчачива бошчилигидаги амалдаги ҳукумат уни қуч ишлатиб тарқатиб юборишига тўғри келди ва айрим шаҳарларда қоманданлик соати жорий этиб, мамлакатда фавкулда ҳолат эълон қилди.

«Қизил қўйлақлар» ҳукумат истеъфосини ва навабдан ташқари парламент сайловлари ўтказилишини талаб қилгандилар.

Жазирама жизғанаги

боис 23 та ҳудудда...

■ Бу йили ёз палласи Россия қишлоқ ҳўжалиги учун жуда оғир келди. Жазирама авжга миниши билан бирга, қўроқчилик ҳам забтига олмақда.



Россия Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги маълум қилишича, айни пайтда мамлакатнинг 23 та субъектида — Оренбург, Саратов, Самара, Воронеж, Челябинск, Волгоград, Пенза, Нижегород, Ульяновск, Тамбов, Киров, Курганск, Астрахан, Белгород, Рязан областларида ҳамда Бошқирдистон, Татаристон, Мордова, Удмуртия, Чувашия, Қолмоқ, Марий Эл ва Забайкал ўлкаларида қўроқчилик боис фавкулда ҳолат эълон қилинди.

Айнан шу қўроқчилик сабаби ёзги урим-йилғим мавсуми қутилган натижадан бермаслиги аниқ бўлиб қолди. Яъни Россиянинг қоратўроқ ҳудудларида 24 миллион акр майдондаги бошоқли дон экинлари бутунлай қуриб кетди. Ўтган йили 97 миллион тонна дон ҳосили йиғиштириб олинган бўлса, бу йилги ҳирмон 81,5 дан 85 миллион тоннага зўра бориши мумкин.

Бундан ташқари, ёнғин чиқиш хавфи ҳам қучаймоқда. Фавкулда вазиятлар вазиятларга маълумотларига кўра, 944 минг акр майдонда ёнғин юзага келган. Қўшиқнинг тафти фақат Россиядагина эмас, балки Европанинг кўпалаб шаҳарларида ва узоқ Японияда ҳам ўз ҳудумини ўтказмоқда. Хууссан, Италия фуқаро мудофаси миллий хизмати шу кунларда мамлакатнинг 5 та шаҳрида «қизил» даражани, 10 та шаҳрида эса «ялғаранг» (яъни иккинчи) даражали хавф эълон қилди.

Японияда эса айнан иссиқ «уриши» оқибатида 5 киши вафот этди, 180 киши эса касалхоналарга ётқизилди. ИТАР-ТАСС ахборотида қайд этилишича, уларнинг ўнга яқини оғир аҳволда.

«Қора қути» кашфиётчиси

вафот этди

■ Ҳаммамиз яхши биламизки, дунё буйича парвоз этаётган барча самолётлар «қора қути» билан жиҳозланган. Агар бирор қор-қол юз берса, айнан авиалоқот содир бўлган ҳудудда «қора қути» қидирилади. Негаки, шу қути фалокат сабабларини аниқлашда жуда катта ёрдам беради.

Лекин, мазкур «қора қути», яъни «борт ўзиёзари»ни қим кашф қилганлигини ҳамма ҳам билвермаслиги мумкин.

«Associated Press» АА маълум қилишича, австралиялик бу кашфиётчи олим Дэвид Уоррен 86 ёшида вафот этди.

Австралия Мудофаа вазирлиги маълумотларига кўра, 1953 йили «Комета» номли биринчи реактив йўловчи самолёти авиалоқотга учрагач, олим самолёт бортига «ўзиёзари» асбоб ўрнатиш гоёсини илгари суради. Ушунчалар хонасидан барча сўзлашувлар ва ҳар қандай овозлар ёзувлари ҳалоқат «сир»ларини очинишда муҳим роль ўйнаши, мана, бугунги кунда ҳам ўз қадрини йўқотгани йўқ.

Шундай қилиб, Уоррен 1956 йили дастлабки «қора қути»ни яратган ва бир неча йилдан кейин дунёнинг барча самолётлари мазкур «қора қути»лар билан жиҳозланган.

Олиннинг бу кашфиёти бугунги кунда ҳам дунё авиацияси хавфсизлигини таъминлашга улкан ҳисса қўймоқда.

БЎЛГУСИ ЧЕМПИОНЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛИДА

Сирдарё вилоятида 5420 нафар қиз бадий гимнастика билан мунтазам шуғулланмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Изчиллик билан амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» концепцияси замирида ҳам соғлом авлодни тарбиялаш мақсади мужассам. зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, соғлом она — соғлом бола, соғлом бола — соғлом келажак, демокдир. Шу маънода, қизларни спортга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, кейинги йилларда спортнинг нафис тури ҳисобланган бадий гимнастика ва спорт гимнастикаси жадал ривожланаётгани ҳам ана шу эзгу гоёни амалга оширишга хизмат қилади.

Сирдарё вилоятида мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар хусусида вилоят ҳокими **Ойбек АШУРМАТОВ** ЎЗА мухбирига қуйидагиларни гапириб берди.

— Президентимиз Ислам Каримов шу йилнинг 10 март куни Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида таъкидлаганидек, қизларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ёндашув ва катта эътиборни талаб этади, — дейди О.Ашурматов. — Ана шунинг ҳисобига олган ҳолда вилоятимизда бадий гимнастика федерацияси ташкил этилди. Гулистон шаҳридаги «Алломиш» спорт мажмуасининг ёпиқ теннис корти мазкур федерациянинг маркази қилиб белгиланди.

Маълумки, бадий гимнастикага қизлар беш-олти ёшдан жалб қилинади. Сабаби уларнинг гавдаси мана шу ёшдан носиз ҳаракатларга жуда тез мослашади. Шу боис бугунги кунда мазкур соҳа тарбияланувчилари орасида бочка ёшидаги қизлоқларнинг ҳам борлиги келгусида моҳир бадий гимнастикчилар сафи кенгайишида муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Вилоятимизда 5 минг 420 нафар қиз спортнинг бадий гимнастика тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Бунинг учун 11 умумтаълим мактаби, 11 мактабгача таълим муассасаси, 10 академик лицей ва касб-

воҳоналарини ташкил этмоқчимиз. Жумладан, Мустақиллик байрами арафасида педагогика йўналишидаги 4 коллежда зарур жиҳозлар билан таъминланган бадий гимнастика заллари фойдаланишга топширилди. Бу ҳам бўлғуси педагогларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишишга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, қизларни спортга жалб этиш ишлари нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ жойларда ҳам изчил олиб борилаётган. Чека худудларда бадий гимнастика заллари ташкил этилаётганидан ота-оналар мамнун бўлмоқда. Қизларни нафақат ота-оналари, ҳатто буви ва буважонлари ҳам етаклаб, бадий гимнастика залларига олиб келиши қувонarli ҳол, албатта.

Сирдарё тумани Охунбобоев номи маҳалла худудидаги 15-умумтаълим мактабиди 378 нафар ўқувчи тахсил олади. Уларнинг 197 нафари қизлар. Яқинда мазкур мактабда намунавий бадий гимнастика зали очилиши билан катта қувонч билан кутиб олди. Ҳозир бу ердаги бадий гимнастика тўғраги машғулотларида ушбу мактаб ўқувчилари, қишлоқдаги спорт мактаби



хунар коллежи, 2 болалар ва ўсмирлар спорт мактабиди намунавий спорт зали, мослаштирилган бадий гимнастика хоналари ташкил этилиб, зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. Бундан ташқари, «Гулистон» марказий стадионини худудидаги кино реконструкция қилиниб, бадий гимнастика залига айлантирилди. Ушбу зал 120 миллион сўмликдан зиёд бадий гимнастика анжомлари билан жиҳозланди. Бугунги кунда бу ерда юз нафарга яқин гулистонлик 5-18 ёшли қизлар спортнинг ушбу нафис тури билан шуғулланмоқда. Гулистон шаҳридаги «Алломиш» спорт мажмуасида ташкил этилган бадий гимнастика залида ҳам спортнинг бу тури билан шуғулланувчи қизлар сафи кундан-кунга кенгайиб бораётти.

Бадий гимнастикани ривожлантириш борасида қиладиган ишларимиз ҳали кўп. Вилоятимиздаги барча умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача тарбия муассасаларида бадий гимнастика зали

тарбияланувчилари ҳамда кўшни «Малик» сувдан фойдаланувчилар уюшмасидаги учта мактаб қизлари ҳам қатнашмоқда. Шунингдек, Меҳнатобод туманидаги қишлоқ ағосоналик, Бобўт туманидаги агрожаонат ҳамда Мирзаобод туманидаги Мирзаҷул қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик касб-хунар коллежларининг спорт залларида ҳам бадий гимнастика билан шуғулланаётган қишлоқ қизлари сафи кундан-кунга ортомоқда.


Вилоятдаги 33 мактаб ва мактабгача тарбия муассасаси, 10 коллеж ва лицейларда ташкил этилган бадий гимнастика зали ва хоналарининг 80 фоизи қишлоқ жойларга тўғри келади. Таълим муассасаларида ташкил этилган ўнта намунавий бадий гимнастика залининг саккизтаси қишлоқларда. Вилоятнинг Сардоба, Оқолтин, Сайхунобод каби туманларида ташкил этилган бадий гимнастика заллари ҳам бугунги кун талаби даражасида жиҳозланган. Мазкур спорт залларига туман халқ таълими бўлими ва

лежини қуриш ниятимиз бор.

Яқин вақтгача вилоятимизда хотин-қизлар спортга етарли даражада эътибор берилмаган. Қизларимиз спортнинг фақат синхрон сузиш тури билан шуғулланиб келган. Спортнинг бу тури бўйича вилоятда 4 нафар мураббий қўл остида 119 нафар қиз тарбияланган. Ҳозир эса вазият мутлақо бошқача. Айни пайтда мазкур спорт тури билан бирга бадий гимнастика ҳам кенг ривожланмоқда. Бугунги кунда биргина Гулистон шаҳрида спортнинг бадий гимнастика тури билан шуғулланувчи қизлар 500 нафардан ортади.

Бадий гимнастикани ривожлантириш йўлида вилоятимизда амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини беради, албатта. Сирдарё вилоятдан ҳам гўзаллик ва саломатлик омилли бўлган спортнинг бу нафис тури бўйича нуфузли мусобақалар ғолиблари етишиб чиқишига ишонамиз.

ЎЗА мухбири Дилором ЭСОНОВА ёзиб олди.



Шу кунларда Венгрия пойтахти Будапештда юнон-рум ва эркин кураш бўйича ўсмирлар ўртасида навбатдаги жаҳон биринчилиги давом этмоқда.

Янги номлар кашф этилмоқда

Унда Ўзбекистон терма жамоаси ҳам тўлиқ таркиб билан иштирок этаётди. Мусобақанинг дастлабки кунда юнон-рум кураши ustalари гиломга чиқишди. Барча

беллашувларни муваффақиятли ўтказган вакилимиз Бесики Солдодзе (74 кг) ўз вазн тоифаси бўйича финалга йўлланма олди. Аммо ҳал қилувчи баҳсни россиялик Роман Власов-

га қарши ўтказган курашчимизга бироз тажриба етишмади. Натижада Бесики Солдодзе мусобақанинг кумуш медали билан қифояланди.

Эркин ХОЛБОВО

Инсонийлик қиёфасини йўқотганлар

Жиноятга жазо муқаррар

Ўртачирчилик Баҳром Бойназаров икки марта судланган. Айни тоғни талқон қиладиган ёшда бўлсада, пешонаси терлаб ҳалол нон топмаган. Билгани — қинғирлик, ўғирлик. Баҳром «Йўлғичқола» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги бир ҳовлига ўғирликка борди. Молхонадан бир бош буқа билан бир бош қўйни олиб чиқди, бунинг биров севмади. Ҳамма ширин уйқуда эди. Йўлда «Зил»ни тўхтатди.



— Пскентга, мол бозорига... Савдолашишдан кейин ҳайдовчи рози бўлиб, рулни айтилган манзил томон бурди.

Бозорда буқа ва қўй 500.000 сўмга баҳоланди. Биринчи уриниши муваффақиятли тугаганидан руҳланган Баҳром навбатдагисининг режасини тузди.

Бу гал у қушовулик Хуршид Йўлдошев фирмасига тегишли «Раупет» биноси эшигини осонликча бузди. У ердан уяли телефон, касса аппарати, пул ва компьютерни ўғирлади. Ташкентдаги «Янгиобод» буюм бозорига қарийб бир миллион бир юз минг сўмлик «товар» 280.000 сўмга сотилди.

Баҳромнинг бу билан ҳам кўнгли тинчмади. У Ўртачирчилик тумани «Ҳақиқат» ширкат хўжалиги худудида жойлашган коттежнинг иккинчи қаватидаги панжарадан ичкарига кириб, у ердан Анастасия Рудницкаяга тегишли пул, фотокамера ҳамда флешкани ўғирлаб чиқди. Ташкентга келиб буларни ҳам сотиб юборди.

Кунларнинг бирида Баҳром эски таниши — Азиз Аширбоев билан учрашиб қолди. Икковлон ўтириб тўйиб ароқ ичди. Уринларидан туриб, кўчага чиққанда, кеч бўлиб қолганиди. Қаршиларидан келаётган эр-хотинни ҳеч бир сабабсиз ҳақоратлаб, сўқишди. Бу ҳам етмагандай урмоқчи бўлдилар. Илоҳисиз қолган эр-хотин шифохона ҳовлисида қочиб киришга мажбур бўлди.

Шифохона қоровули безориларнинг олдида чиққанида ширақайф шериклар уни ерга ётқизиш роса тегишди. Оқибатда, қоровул тан жароҳати билан туман мар-

казий шифохонасига ётқизилди. Мазкур ҳолат юзасидан Ўртачирчилик тумани ИИБ тергов бўлими томонидан жиноят иши қўзғатилди.

Тўйтепаллик Фарҳод Мусоев жанжали кўрган. Қолаверса, у Баҳром ва Азизни аввалдан биларди. Фарҳод Мусоев жиноят иши бўйича гувоҳ тариқасида Баҳром ва Азизнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан кўрсатма берди. Шундан сўнг улар Фарҳоддан ўч олиш пайига тўшиб, режа тузди.

— Гап бундай, — деди Баҳром шеригига юзланиб. — Машинасини олиб, Фарҳоднинг ўзини эса ўлдираримиз. Магнитофоннинг овозини баланд қилиб қўйсанг, бас.

Азизнинг уйдан кир ёйиш учун тортилган ип-арқонни олиб, сиртмоқ қилдилар. Сўнг тайинсиз танишларидан бирига қўнғирок қилиб: — «Ғера»дан борми? дея сўрашди.

— Сиз учун топилади.

Хуллас, ўттиз мингга иккита «Беламорканал» олинди.

— Энди ишга киришсак бўлади.

Баҳром шундай дея Фарҳоднинг уяли телефон рақамини тара бошлади.

— Фарҳод, машинанг билан тезда кел. Кирали иш бор.

Фарҳод «Жигули»сига ўтириб, Тўйтепа шаҳридаги «Спиритекс — Ташкент — Тўйтепа» фабрикасининг олдида етиб келди.

— Яхши боласан-да, Фарҳод. Яхшилигингни ўзинг ҳам билмайсан, — деди Баҳром унинг елкасига захархандалик билан уриб қўяркан. — Юр, бир мазза қиларимиз. Кирали ишни кейин айтман.

Улар дўконга кириб борганида соат кеч саккиздан ошган эди. Баҳром билан Азиз «Беломорканал»ни туташиб, ароқ ҳам ичди. Кетма-кет бўштилган қадаҳдан кейин улар ширақайф аҳволга келди. Бу пайтда эса кўчада одамлар ҳам, қатнов ҳам сийраклашган эди. Соат миллари тунги иккига яқинлашди. Баҳром тақлиф қиритди: — Юринлар, ашула эшитиб, айланиб юрамиз... Фарҳоднинг ёнига Азиз, орқа ўриндикқа, режага кўра, Баҳром ўтирди. — Четроққа ҳайда, Азиз магнитофоннинг овозини кўтар. Азиз музика овозини янада баланд қилиб қўйди.

Машина овлоқ жойга чиқди. — Шу ерда тўхта, — деди Баҳром, — ўтириб ашула эшитамиз.

«Жигули» тўхташи билан орқа ўриндикдаги Баҳром қўлидаги сиртмоқни Фарҳоднинг бўйига солиб буға бошлади. Қаршилиқ кўрсатмоқчи бўлган Фарҳоднинг қўларини эса Азиз маҳкам ушлади. Бироздан сўнг Фарҳоднинг қўли қимирламай қолди. Инсонийлик қиёфасини йўқотган икки махлук мурданинг қўлобқларини боғлаб, «Жигули»нинг юкхонасига ташлашди. Машина ярим тунда Оққўрғон тумани худудидан оқиб ўтувчи «Туябуги» канални кўриши устида тўхтади. Икки шерик шошапиша юкхонани очиб, жасадни каналга ташлаб юборди. «Жигули»ни эса ташишларининг уйига олиб бориб яшириб қўйишди.

Жиноят жазосиз қолмайди. Қотиллар тез орада қўлга олинди. Улар узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Худойкул ХОЖИЕВ, Жиноят ишлари бўйича Ташкент вилоят судининг судьяси, Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSH MUHARRIR:	
Safar OSTONOV	
TAHRIR HAY'ATI:	
Abdulla ORIPOV	
Latif G'ULOMOV	
Bobir ALIMOV	
Sharbat ABDULLAYEVA	
Murodulla ABDULLAYEV	
Ulug'bek MUSTAFOYEV	
Tat'yana KISTANOVA	
(Bosh muharrir o'rinbosari)	
G'affor HOTAMOV	
(Bosh muharrir o'rinbosari)	
Muslihidin MUHIDDINOV	
Andrey KUSTOV	
Ochilboy RAMATOV	
Saidahmad RAHIMOV	
MUASSIS:	
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI	
BO'LIMLAR:	
Partiya hayoti	
233-10-13	
Madaniyat va sport	
233-69-45,	
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot	
233-20-36,	233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot	
233-12-56	
Reklama va e'lonlar	
233-38-55,	233-47-80
Mas'ul kotib	
233-72-83,	236-55-17
VILOYAT MUXBIRLARI:	
Andijonda —	
25-32-70	
Buxoroda —	
223-06-02	
Gulistonda —	
25-46-45	
Jizzaxda —	
227-48-35	
Navoiyda —	
223-83-73	
Namanganda —	
226-43-81	
Nukusda —	
222-77-21	
Samarqandda —	
35-02-55	
Urganchda —	
517-30-58	
Farg'onada —	
224-18-78	
Denovda —	
8-37641-23-780	
MANZILIMIZ:	
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.	
Navbatchi: Akbar JONUZOQOV	
Gazeta «O'zbekiston ovozining kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNGATILOR, Zafar BAKIROV	
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonani manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.	
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yatga olingan. Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshaba, pyshanba va shamba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.	
Г — 649	
8241 nusxada bosildi	
I — Tijorat materiallari	
ISSN 2010-7633	
O'za yakuni — 20.30	
Topshirilgan vaqti — 01.00	
1 3 4 5	
Sofuvda erkin narxda	

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

Сиз учун диққатта лойиқ «МЎЪЖИЗА» омонатини тақлиф этади.

Омонатга маблағлар банкнинг барча муассасалари томонидан 6 ой муддатга йиллик 16 % миқдориди даромадлари билан бирга, омонатдаги маблағлар белгиланган муддат давомида сақлангандан сўнг, омонат қолдиғига 4 % бонус тариқасида қўшимча даромад тўланади.

ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ!
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Қўшимча маълумотларни 150-12-91 телефони орқали олиншингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган